

Макроіктисодий динамика



МАКРОІОТІСОДІНОТ

Иқтисодий даврлар



Иқтисодий даврлар – мавсумий тебранишлар билан болиқ бўлмаган иқтисодий фаоллик даражасининг доимий тебранишлари

Иқтисодий даврларнинг фазалари:



МАКРОИҚТИСОДИЙ

Иқтисодий даврда асосий макро кўрсаткичларнинг ўзгариши

Чўққи	Пасайиш	Энг паст нуқтаси (туб)	Жонланиш (кўтарилиш)
Тўла бандлик	Бандлик даражаси пасаяди	Бандлик даражаси энг паст нуқтагача етади	Бандлик даражаси ўсади (тўла бандлик даражасигача)
Ишлаб чиқаришдаги қувватлар тўлиқ ишлатилади	Ишлаб чиқариш даражаси пасаяди	Ишлаб чиқариш даражаси энг паст нуқтагача етади	Ишлаб чиқариш тўлиқ қувватлар даражасига етади
Нархлар ўсиши мумкин	Нархлар ўзгармайди ва фақатгина ишлаб чиқаришнинг кучли пасайишида нархлар ам пасайиши мумкин	Нархлар пасайиши мумкин (лекин стагфляция шароитида улар ўсиши мумкин)	Нархлар бир оз ўсиши мумкин
Иқтисодий фаолликнинг ўсиши тўхтатилади	Иқтисодий фаоллик пасаяди	Иқтисодий фаолликнинг даражаси энг паст нуқтагача етади	Иқтисодий фаолликнинг даражаси ўсади

Иқтисодий даврларнинг сабаблари



Иқтисодий фаолликнинг ўзгариши




**Таклифнинг структуравий
ўзгариши**




**Талабнинг структуравий
ўзгариши**

МАКРОИҚТИСОДИЙ

Иктисодий фаолликнинг узгариши



Таклифнинг ўсишига олиб келадиган унинг структуравий ўзгариши AS эгри чизигини AS0 дан AS1 гача суради. Бу эса нархларнинг пасайишига ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади. Таклифнинг камайишига олиб келадиган унинг структуравий ўзгариши AS эгри чизигини AS0 дан AS2 гача суради. Бу нархларнинг ошишига ва ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келади.



Талабнинг структуравий ўзгариши унинг ўсишига олиб келади ва AD эгри чизигини AD0 дан AD1 гача суради. Бу эса нархлар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади. Талабнинг камайишига олиб келадиган унинг структуравий ўзгариши AD эгри чизигини AD0 дан AD2 гача суради. Бу нархлар ва ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келади.

Иқтисодий фаоллик ўзгаришининг сабаблари ва оқибатлари



Ташқи

Иқтисодиётдан ташқари бўлган ҳодисалар билан боғлиқ. Масалан, иқлимнинг ўзгариши, урушлар, давлат аралашуви, ёқилғи ресурсларга жаҳон нархларнинг ўзгариши, аҳолининг динамикаси, фантехника кашфиётлари.

Ички

Акселератор ва мультипликатор самараси ҳамда инвестициялар ва истеъмол ўзгариши билан боғлиқ

Иқтисодий фаоллик ўзгаришининг сабаблари ва оқибатлари.

Иқтисодий даврларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

Иқтисодий фаоллик даражасининг ўзгариши ўз навбатида қуйидагиларнинг ўзгаришига олиб келади:

**ишсизлик даражаси
ишлаб чиқариш ҳажми
инфляция даражаси
аҳоли даромадлари даражаси.**



Иқтисодий даврларнинг кучли таъсири узоқ муддатли фойдаланиш учун товарларни ишлаб чиқарадиган тармоқларда билинади. Аксинча қисқа муддатли фойдаланиш учун товарларни ишлаб чиқарадиган тармоқларга иқтисодий даврларнинг таъсири кучсиз бўлади.

ИШСИЗЛИК

Ишсизлик – иқтисодиётда меҳнатга бўлган таклифининг унинг талабидан ортиқлиги

Ишчи кучи – Ишлаётган ва фаол иш қидираётган меҳнатга лаёқатли аҳолидир



Бозор иқтисодиёти шароитида 100 % иш билан бандлигини таъминлаш мумкин эмас. “Тўла бандлик” тушунчаси маълум даражадаги ишсизликнинг бўлишига йўл қўяди ва бу ишсизликнинг даражаси нормал деб ҳисобланади (ишсизликнинг табиий даражаси).

Ишсизликнинг турлари

Фрикцион ишсизлик

Бу ишсизлик иш қидириш еки кутиш билан боғлиқ. Бу ишсизлик тури меҳнат бозорининг самарасизлиги билан боғлиқ

Структуравий ишсизлик

Бу ишсизлик квалификацияни ўзгариши еки ишчи кучининг миграцияси билан боғлиқ. Бу ишсизлик тури технология еки талабнинг структуравий ўзгаришлари билан боғлиқ

Даврий ишсизлик

Бу ишсизлик жами талабнинг камайиши ва шунга мувофиқ иқтисодий фаолликнинг пасайиши билан боғлиқ.

Ишсизликнинг табиий даражаси (ЯММнинг потенциал даражасига мувофиқ)

Иқтисодий ва бошқа сарф харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган ишсизлик

Ишсизлик даражаси

$$\text{Ишсизлик даражаси} = \frac{\text{Ишсизлар сони}}{\text{Ишчи куни}} * 100\%$$



Ишсизлик ҳақиқий даражаси табиий даражасидан камдан кам паст бўлади ва унга фақатгина фавқулотдаги вазиятларда қачонки талаб таклифдан анчага ошганда эришилади (масалан, уруш пайтида). Ишсизликнинг табиий даражаси доимий бўлмайди ва ҳар йили ўзгаради.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ
фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий
даражаси ҳолатида иқтисодиётда
яратилиши мумкин бўлган маҳсулот
ҳажмини иқтисодиётнинг **ишлаб чиқариш
потенциали** деб аталади. Мамлакатнинг
ишлаб чиқариш потенциали потенциал ЯИМ
кўрсаткичи билан ўлчанади.

Макроиқтисодий беқарорлик туфайли,
иқтисодий пасайиш даврида мамлакат ўз
иқтисодий потенциалини тўлиқ ишга
солмасдан, яратилган ҳақиқий ЯИМ ҳажми
(Y_x) потенциал ЯИМ (Y_n) ҳажмидан ортда
қолади. Яъни ЯИМнинг узилиши (Y_{uz}) рўй
беради.

$$Y_{uz} = \frac{Y_x - Y_n}{Y_n} \cdot 100$$

**Потенциал ЯИМ деганда
мамлакатдаги ишлаб чиқариш
ресурсларидан тўлиқ фойдаланилган
шароитда мумкин бўлган ишлаб
чиқариш ҳажми тушунилади.
Потенциал ЯИМни ҳисоблашда
мамлакатда ишсизлик мутлақо йўқ деб
эмас, балки мавжуд, бироқ у табиий
даражада, деб ҳисобланади.**

А.Оукен қонуни

Агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан бир фоизга ошиб кетса, яъни даврий ишсизлик 1 фоизни ташкил этса миллий иқтисодиёт ЯИМни икки ярим фоизга кам яратади.

Оукен қонунини формулада
қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$Y_{uz} = -2,5[u - u^*]$$

Бу ерда: u^* – ишсизликнинг
табий даражаси;

u – ишсизликнинг ҳақиқий
даражаси.

Ишсизлик даражасини ҳисоблашда қуйидаги сабабларга кўра хатолар пайдо бўлиши мумкин:

Қисман бандлик

тўлиқсиз иш куни еки иш ҳафта ишлаётган шахсларни иш билан бандлар сафида ҳисобга олиш;

Мавсумий бандлик

мавсумий ишларда ишлаётган шахсларни (ишлаётган пайтида) иш билан бандлар сафида ҳисобга олиш;

Иш топишга ишончини йўқотган ишчилар сони.

Ишлашни хоҳлаётган, лекин иш қидирмай қўйган шахслар ишчи кучи ҳисобига кирмайди, аммо аслида улар ишчи кучидир;

Нотўғри маълумот

ишсизлик бўйича нафақа олиш учун иш қидирмай қўйган шахсларнинг иш қидираётганлиги тўғрисида маълумот беришлари (бундай шахслар ишчи кучига кирмаслиги керак, лекин аслида улар ҳисобга олинади);

Яширин бандлик

яширин иқтисодиётда ишлаётганларни ишсизлар сафида ҳисобга олиш.

Ишсизликнинг иқтисодий йўқотишлари

Агар ҳақиқий ишсизлик ишсизлик табиий даражасидан ошса, ишламаётган ишчи кучи томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг потенциал ишлаб чиқариш ҳажми йўқотилади, ва бу йўқотиш ЯММнинг узилиши (**Gap GNP**) дейилади:

$$GapGNP = \frac{Y - Y^*}{Y^*}$$

бу ерда Y – ҳақиқий ЯММ, Y^* - потенциал ЯММ

Ишсизлик иқтисодий
йўқотишлари қандай
аниқланади?
Оукен қонуни орқали

$$\frac{Y - Y^*}{Y^*} = -\beta(u - u^*),$$

Бу ерда u - ҳақиқий ишсизлик
даражаси,
 u^* - табиий ишсизлик даражаси,
 β - эмпирик коэффиценти



Оукен қонуни ишсизлик даражасидаги ўзгаришни ишлаб чиқариш даражасидаги ўзгариш билан боғлайди: Агар ҳақиқий ишсизлик даражаси унинг табиий даражасидан 1%га ошса, ЯИМ ҳажмининг узилиши (орқада қолиши) минус 2.5 % ни ташкил этади.

Инфляция

Инфляция –

**умумий нархлар даражасининг кўтарилиши ва
натижада пулнинг қадрсизланиши**

Дефляция –

умумий нархлар даражасининг пасайиши



Инфляция барча товар ва хизматларга нархларининг ошишини эмас балки уларнинг умумий даражасининг ошишини билдиради ва бу ошиш истеъмол нархлар индекси орқали белгиланади.

Инфляция ўлчаниши

Истеъмол нархлар индекси ёрдамида

$$\text{Инфляция суръати} = \frac{\text{ИНИ1} - \text{ИНИ0}}{\text{ИНИ0}} \times 100\%$$

ИНИ0 – ўтган йилнинг ИНИ

ИНИ1 – жорий йилнинг ИНИ

70 миқдор қоидаси ёрдамида:

70

инфляция суръати

= неча йилдан кейин нархлар даражаси икки баравар ошади



Инфляция суръатини ҳисоблашда ИНИ кўрсаткичининг фойдалилиги истеъмол саватини тўғри аниқланишига боғлиқ

Инфляция турлари

Нархлар узиш суръатларига кўра

Мўтадил
инфляция

Югурувчи инфляция

Гиперинфляция

Йилига
10 % гача

Йилига
20 % дан 200 % гача

Йилига
50 0% дан ошк

Инфляциянинг келиб чиқиш
сабабларига кўра

Инфляция


```
graph TD; A[Инфляция] --> B[Талаб инфляцияси]; A --> C[Таклиф инфляцияси]
```

Талаб инфляцияси

Таклиф инфляцияси

Талаб инфляцияси


Талаб инфляцияси – ортиқча талаб орқали келиб чиқадиган инфляция



Бу инфляция тури иқтисодиетда истеъмолчиларнинг инфляция кутилишлари еки пул массасининг кўпайиши натижасида талабнинг кескин ошиб кетиши сабабли пайдо бўлади. Талабнинг ошиши AD эгри чизиғини AD0 дан AD1 гача ўнгга суради. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини, нархларни ва иш билан бандлигини оширади. AD эгри чизиғи яна ҳам ўнгга сурилганда иқтисодиет тўла бандликка эришади ва бунда нархлар даражаси ошсада, ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармайди.


Таклиф инфляцияси

Таклиф инфляцияси—ишлаб чиқаришдаги сарф харажатлар ошиши сабабли келиб чиқадиган инфляция



Бу инфляция тури ишлаб чиқаришдаги сарф харажатлар кескин ошиб кетиши натижасида келиб чиқади. Бунга сабаблардан нефтга жаҳон нархларининг ошиши, давлат тартибга солиши ва бошқалар бўлиши мумкин. Харажатларнинг ошиши AS эгри чизийни чапга AS0 дан AS1 гача сурилишига олиб келади. Бу эса нархларнинг ошишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига ҳамда ишсизликнинг ўсишига олиб келади.

Иш ҳақи ўсиши билан келиб чиқадиган инфляция



Иш ҳақи ўсиши билан келиб чиқадиган инфляция иқтисодият учун энг хавфли инфляция туридир. Касаба уюшмаларнинг талабларига кўра еки давлат томонидан минимал иш ҳақининг оширилиши натижасида иш ҳақининг умумий даражаси ошади. Бу эса жами талабни оширади ва AD эгри чизиғини ўнгга AD1 гача суради. Иш ҳақининг ошиши ўз навбатда ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча харажат бўлиб, жами таклифни қисқартиради ва AS эгри чизиғини чапга AS1 гача суради. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармасида, нархлар ошади. Бу эса иш ҳақининг номинал ўсишини йўққа чиқаради. Агар касаба уюшмалари қўшимча иш ҳақининг оширилишини талаб қилишса, бу инфляциянинг яна бир чирмалишига ва нархларнинг ўсишига олиб келади. Бу жараен чексиз давом эттирилиши мумкин. Бу инфляцион спиралдир.

Инфляция сабаблари

Инфляция талаб ва таклиф тенгсизлигидан пайдо бўлган пуллар миқдорий назариясининг тенгламасидан келиб чиқади:

$$MV = PY,$$

Бу ерда M - пул массаси, V – пул айланиш тезлиги,
 P – нархлар даражаси, Y - ЯИМ ҳажми.

Демак, нархлар даражаси неъматларни ишлаб чиқариш учун (MV) кетган жами харажатларга тўри пропорционал ва реал ишлаб чиқариш ҳажмига (Y) тесқари пропорционалдир:

$$P = MV / Y$$

Бу тенгликдан инфляциянинг учта қўшимча сабабларини чиқариш мумкин:

Пул массасининг ошиши
Пул айланиш тезлигининг ошиши
Ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши

Аҳолининг турли қатламларига кутилмаган инфляциянинг таъсири

Қайд этилган даромад олувчиларга кутилмаган инфляция энг кучли салбий таъсир этади.

Қарз олувчилар учун кутилмаган инфляциянинг юқори даражаси қулай бўлса, қарз берувчилар учун зарарлидир.


Агарда жамғармалардан олинадиган даромад инфляция даражасидан паст бўлса, унда инфляция шу жамғармаларнинг реал қийматини камайтиради.

Миллий даромадга инфляциянинг таъсири

	Миллий даромад	Ишсизлик
Мўътадил талаб инфляцияси	Ўсади	Камаяди
Харажатлар ўсиши билан келиб чиқадиган инфляция	Камаяди	Ўсади
Гиперинфляция	Кескин камаяди	Кескин ўсади

Филлипс эгри чизий

Филлипс эгри чизий – ишсизлик даражаси билан инфляция суръатлари ўртасидаги тескари боғлиқликни акс эттирадиган график ифода:



$$\pi = \pi^e - \beta(u - u^*) + \varepsilon$$

инфляция кутилаётган β (даврий Таклифнинг кескин
инфляция ишсизлик) ўзгаришлари



Инфляцияга қарши курашда йўқотишлар ва натижаларнинг нисбати:
баъзи бир эмпирик маълумотларга кўра инфляцияни 2%га
пасайтириш учун бир йиллик ЯММнинг 5% дан воз кечиш керак,
инфляциянинг 1% га камайиши даврий ишсизликнинг 2,5% га
ошишини талаб қилади.